



# СОВЕТ ЎЗБЕКISTONИ

ЎЗБЕКISTON КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКISTON ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 144 (18.920). Яқshanба, 24 июнь 1984 йил 3 тийин.

## ОРБИТАДАГИ ВАХТА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 22 июнь. [ТАСС]. «Салют-7» орбитал илмий станцияси ичида Леонид Кирил, Владимир Соловьев ва Олег Атьковлар 135 кундан буён ишламоқдалар.

Геофизика экспериментларининг катта программасига мувофиқ космонавтлар ўтган ҳафтада ер курулиши ва маҳон океани акваторияси фотосуратга олинишни ва спектрометрлашни бир неча бор кузатишди.

Комплекс экипажнинг буғунги кун тартибдаги станцияда белгиланган профилактика ишларини ўтказиш, Байкал орбитал кузатиш, жисмоний машқлар билан шуғулланиш кўзда тутилган. Дам олиш учун ҳам вақт ажратилган.

Станциянинг бирлашган мотор курилмасининг «Прогресс-22» немас келтирилган ёқилги билан тўлдириб олишга тайёрларлиги кўриба бошланди. Буғун ёқилги қўйиш йўллари герметиклиги текшириб кўрилди.

Кеча юк кемаси моторининг ёрдами билан илмий-тадқиқот комплексининг орбитасига тутилди.

Шу тўғрисида кейин унинг параметрлари куйидагича:  
— Ер юзасидан максимал олислиги — 365 километр;  
— Ер юзасидан минимал олислиги — 328 километр;  
— айланмиш даври 91,3 минута;  
— оғиши 51,6 градус.

Учиш нормал давом этмоқда. Космонавтлар Леонид Кирил, Владимир Соловьев ва Олег Атьков соғ-саломат, улар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

# Ўзбекистон Коммунисттик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1984 йил 23 июнь куни Ўзбекистон Коммунисттик партияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бўлди. Пленумда «Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1984 йил февраль ва апрель Пленумларининг қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко йўл-йўриқлари асосида партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни яхшилаш соҳасида республика партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Коммунисттик Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонов-жаев доклад қилди.

Музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мухомоф, Тошкентдаги Октябрь революцияси номида завод электр слесари Н. М. Железов, Сарбосиб районидagi «Коммунизм» агроноат ишлаб чиқариш бир-

лашмасининг бош директори Б. Омонов, Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Ҳ. Жўрабеков, Қашқадарь область партия комитетининг биринчи секретари Н. Т. Туропов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев, Навоий кон-металлургия комбинатининг директори А. А. Петров, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Головин, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ашуралиев, Гавташкент-стройга қарашли 159-қурилиш трести партия комитетининг секретари И. В. Прасолов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов, Гиждувон район партия комитетининг биринчи секретари С. Ганиева, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг ректори С. Ҳ. Сирожид-

динов, Ўзбекистон Коммунисттик Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева, Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. А. Шоғазатов, Фаргона тўқимачилик комбинатининг мастери Н. И. Ермолаева, Ўзбекистон ССР Хўнарсаноат-техника таълими давлат комитетининг раиси П. Каюмов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Алламуродов ўртоқлар қатнашдилар.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Е. К. Лигачев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларини кўриб чиқди.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси ўртоқ В. А. Хайдуров Ўзбекистон Коммунисттик Марказий Комитетининг Бюроси аъзоллигига кандидат қилиб сайланди.

Ўртоқ В. Г. Кретов Ўзбекистон Коммунисттик Марказий Комитети маъмурий органлар бўлимининг мудири, ўртоқ З. Ҳайдаров Ўзбекистон Коммунисттик Марказий Комитети ишлар мудири қилиб тасдиқланди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари ўртоқ К. Н. Могойличенко, КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими секторининг мудири ўртоқ В. И. Смирнов, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари В. М. Легостаев ва И. Е. Пономарев ўртоқлар иштирок этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Коммунисттик Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

(Ўзбекистон Коммунисттик Марказий Комитетининг бўлиб ўтган пленуми тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг кейинги сонда эълон қилинади).

## СОВЕТ—ФРАНЦИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

22 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко билан Франция Президенти Ф. Миттеран ўртасида музокара низолига етди.

Музокараларда: Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари СССР ташкилий ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Г. А. Алиев, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоллигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, СССР ташкилий ишлар министри Н. С. Патюков, СССРнинг Франциядаги элчиси Ю. М. Воронцов; Франция томонидан — Франция ташкилий ишлар министри К. Шейсон, Франция транспорт министри Ш. Фиттерман, Франция ташкилий ишлар министри С. Крессон, Франция уруш ветеранлари ишлари бўйича мулоҳаза министри Хуэридаги давлат секретари Ж. Лоран, республика Президентини маъмуриятининг бош секретари Ж.-Л. Бланко, Франциянинг СССРдаги элчиси К. Арно иштирок этдилар.

Шу учрашувда асосан Со-

вет — Франция муносабатларининг аҳоли ва истеҳсолчиларига доир масалалар кўриб чиқилди, бунда ҳар иккала томон шу муносабатларни турли соҳаларда янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришни ёқлаб чиқаришга эътибор қаратилди.

К. У. Черненко Совет Иттифоқи Францияга нисбатан ўткинчи манфаатларга эмас, балки доимий ва кенг кўламдаги манфаатларга, совет ва француз халқларини бир-бирига яқинлаштиришга, улар ўртасида ҳамжиҳатлик ва дўстликни мустаҳкамлайдиган манфаатларга амал қилаётганлигини таъкидлади. Ҳозирги вақтда Совет — Франция муносабатлари кейинги йилларда рўй берган узилишлардан сўнг яна барча соҳаларда, аввало сийёсий соҳада олга силжирилганини биринчи даражали аҳамиятга эътибор. Муносабатларимизда кўпроқ барқарорлиқни сақлаб туриш алоҳида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Томонлар сийёсий масалаларни муҳокама қилишнинг фойдали эканлигини қайд этиб, 1970 йилга Совет — Франция протоколига мувофиқ шундай масалаларнинг мунтазам давом эттирилишига тайёр эканликларини билдирдилар. Иккала давлат ўртасидаги масалаларни муҳокама қилишда алоҳида биринчи навбатда халқор кескинликни юмшатилганини конкрет йўлларини излаб топишга ҳизмат қилиши лозим.

Савдо-иқтисодий ва илмий-

технавий алоқаларга доир масалаларни муҳокама қилиш чоғида бирон-бир конкрет масалаларда вужуд келадиган чигалликларни савдо-иқтисодий соҳада зиммага олинган мажбуриятларга қатъий амал қилган ҳолда бартараф этиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш зарурлигини таъкидладилар.

Томонлар СССР билан Франция ўртасида кўп соҳаларни, жумладан тинчлик мақсадларида кўсим фазонини таъдиқ этиш, транспорт, медицина, динлоқ хўжалиги ва бошқа кўпгина соҳаларни қамраб олган илмий-технавий ҳамкорлик умуман мунваффақлиги ривожлантирилганини қайд этиб ўтидилар. Узоқ муддатли ва барқарор асосда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги лойиҳаларини аниқлаш, ҳар иккала томонни қизиқтирувчи бир қанча соҳаларда саноат кооперациясини ва технологияни ҳамкорлигини ривожлантириш борасидаги ишларни яқинлаштириб юборишга тайёрлик изҳор этилди.

Музокараларнинг қатнашчилари маданият ва маориф соҳасида самарали, қадимий анъаналарга эга бўлган ҳамкорликнинг давом эттирилишига ва кенгайтирилишига мўлжалланган яқинлиқ билан таъкидладилар. Совет томонини шу соҳадаги ҳамкорликдан совет кишилари билан французлар ўртасида турмуш ва дўстлик туйғуларини тарбиялаш учун фойдаланиш зарур

еканлигини таъкидладилар. Совет — Франция хўжалиқлари ва аҳдомадаги ҳам айни шу нарсга кўзда тутилган.

Умуман Совет — Франция музокаралари фойдали бўлди, деган умумий фикр билдирилди.

Музокаралар иккала мамлакатнинг қарашларини бир-бирига тобора яқинлаштириш, халқаро майдонда параллель ёки биргаликдаги ҳаракат қўлларини ишлаб чиқиш имкониятларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга йўналди.

Ф. Миттеран КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко билан Франция Президентининг Раиси К. У. Черненко ишлари билан Франция боришга тақдир этди. Бу тақдир миёнлашган билан қабул қилинди. Визит муддатлари кейинроқ келишиб олинади.

\*\*\*

22 июнь куни Франция Республикасининг Президентини Ф. Миттеран СССР Иттифоқи Бюросидаги бир актда «Иоланта» ҳамда «Морарт ва Сальери» операларини томоша қилди.

Франция Республикасининг ҳамда Совет Иттифоқи давлат байроқлари илб қўйилган марказий дожада Черненко билан бирга К. У. Черненко, А. А. Громико, В. В. Кузнецов, П. Н. Демичев, бошқа расмий кишилар бор эдилар.

Спектакль бошлангани олдин Франция билан СССРнинг давлат гимнлари ижро этилди.

(ТАСС).

## «РАДУГА» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1984 йил 22 июнда Совет Иттифоқида навбатдаги алоқа йўлиши «Радуга» учирлид. Унинг ичига телефон-телеграф радио алоқасини ва телевизион программалар узатишлигини таъминлайдиган релаксиция аппаратлари ўрнатилган.

«Радуга» йўлдоши доимийга яқин доирасини орбитага қаршилди, унинг дастлабки параметрлари куйидагича:  
— Ер юзасидан олислиги — 35100 километр;  
— Ер атрофини айланиб чиқиш даври — 23 соат 12 минут;  
— орбитанин оғиши — 1,3 градус.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Команда-ўйчор комплекси йўлдошнинг бошқаришда. Йўлдошдаги алоқа ва телевизион аппаратлар белгиланган программаларга мувофиқ ишлатилди.

## Е. К. ЛИГАЧЕВНИНГ ЎЗБЕКISTONДА БЎЛИШИ

КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев 18—23 июнь кунлари республикада бўлди.

У Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаб чиқариш бўлими, партия ташкилотининг фаолияти билан таништи, ишчилар, инженер-техник ходимлар билан суҳбатлашти, тўқимачиларнинг меҳнат ва турмуш шартлари билан таништи. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, қувватлардан тўқимачилик фойдаланиш, меҳнатни ташкил этишнинг илгир формаларини, бригада пудратини жорий этиш, кадрларни тайёрлаш ва уларни мустаҳкамлаш масалаларига нисбатан эътибор берилди. Умумий оқватлангани, ишлаб чиқаришдаги маъмурий хўжаларни анча яхшилаш, корхонанинг ёрдами хўжалигини ривожлантириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Е. К. Лигачев Коммунистик районини «Ленинский путь» колхозига борди. Деҳқончиликда бригада пудратини жорий этиш, колхозчиларнинг меҳнат ва дам олиш учун яхши шартларни яратиш соҳасида колхоз партия ташкилотининг, раҳбарларининг фаолиятига юксак баҳо берилди.

Район партия комитетининг бўлиб ўтган суҳбатда район партия ташкилотининг иш усули ва методларини такомиллаштириш, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш йўллари кўриб чиқилди.

Е. К. Лигачев республика бўйлаб қилган сафари чоғида Гази шаҳрида бўлиб, тиклаш ишлари, айниқса, уй-жой қурилиши қандай давом этаётганлиги билан таништи. Ишлар суст ташкил этилганлиги ва унинг суруятлари пастлигига эътибор жалб этилди. Партия, совет органларининг раҳбарлари уй-жой фондини ремонт қилиш ва янги уйлари барпо этиш

ишларини шу йил октябрь ойда тугаллаш чораларини кўраётганлигини маълум қилдилар.

Шу кун КПСС Марказий Комитетининг секретари Бухоро шаҳридаги пахта тозалаш заводига борди. Бу ерда ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишда, узоқоқлик ва тартибни мустаҳкамлашда, кадрларни тайёрлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда, социалистик мулкни ўғурлашга қарши курашишда болганлик партия ташкилотларининг рол ва масъулиятини кучайтириш тўғрисида гап борди.

Е. К. Лигачев Бухоро область партия комитети бюросининг аъзолари ва аъзоллиқга кандидатлари билан, район партия комитетларининг биринчи секретарлари билан учрашди. Области социалистик ривожлантириш соҳасидаги ютуқлар билан бир қаторда бу ерда халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда, партиявий-сийсий ишларда, кадрлар масаласини ҳал этишда ҳаётлиқларга йўл қўйилганлиги қайд этиб ўтилди.

Бу ҳолда эътибор энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар бўйича, айниқса, пахтачилик ва чорвачиликда оқда қолишига олиб келди. Шу муносабат билан голий-сийсий, идеология ишини активлаштириш, раҳбар кадрларни тарбиялаш, уларга нисбатан талабчанлигини ошириш, қўшиб банишларга, кўзбўйамчиликка, порахўрликка қарши курашни кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Е. К. Лигачев Самарқанд обдаста Каттақўрғон сув омборининг сув хўжалик комплекси билан таништи.

Самарқанд область партия комитети бюросининг аъзолари билан, шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарлари билан суҳбат ўтказилди. Ишлаб чи-

## Ф. МИТТЕРАН МОСКВАДАН ЖўНАБ КЕТДИ

Франция Республикасининг Президентини Ф. Миттеран 23 июнь куни Москвадан Волгоградга жўнаб кетди. У СССР Олий Совети Президиумининг тақлифига бионос расмий визит билан Совет Иттифоқига келган эди.

Жўнаб кетиш олдиндан Кремлда, Франция билан Совет Иттифоқининг давлат байроқлари қўрилган Катта Кремль саройи олдидаги майдонда Франция Республикасининг Президентини кулани маросими бўлди.

Ф. Миттерани КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко кузатиб кўйдилар.

Кузатиш маросимида КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташкилий ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Мотоцикчиларнинг фах

рий эскорти ҳамроҳлигидаги автомашиналар қортежи Кремлдан Вуково аэродромига йўл олади.

Аэродромда Франция Республикасининг Президентини А. А. Громико, В. В. Кузнецов, П. Н. Демичев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Волгограддаги аэродромда Ф. Миттерани шаҳар раҳбарлари, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

## Ж. ХАУНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ Тўғрисида

Буюк Британия ташкилий ишлар ва ҳамдўстлик ишлари министри Ж. Хау Совет ҳукуматининг тақлифига бионос шун йил июль ойининг бошларинида визит билан Совет Иттифоқига келади.

## РЕСПУБЛИКАМИЗ ДАЛАЛАРИДА

### Бегона ўтлар йўқотилди

▲ Дўстлик районидagi М. Дадамонов номи совхоз далаларидаги бегона ўт қисқа муддатда йўқотилди.

Хўжаликда биринчи шарват оқибатиндан сўнг эгартларда бегона ўтлар пайдо бўлди. Шунда деҳқонлар дарҳол чопиқ тракторларини далага чиқардилар. Лекин икки сменада ишлаш учун механизаторлар етишмасди. Тажрибали пахтакор коммунист Аноробой Хайруллаев «Бригадир бўлсанг жуذا яхши, тракторчи ҳам бўлишинг керак» ҳаракатининг ташаббускори бўлди. Ҳар йили унинг бригадаси кўриқ ерда гектар бошига 37 центнердан «оқ олтун» ҳосили етиштирмоқда. А. Хайруллаевнинг ўзи ҳам ҳамма дала ишларида бевосита қатнашиб, бригадирлик вазифасини механизаторнинг иши билан қўшиб олиб боради.

Аноробойдан ўрناق олиб бошқа бригадирлар ҳам тракторчи бошқардилар. Шундай қилиб, эгартлар икки сменада чопиқ қилина бошладилар. Уй бекалари ҳам четда қолишди. Эрталабки ва кечки салқинда далага чиқиб турдилар. Ҳозир бегона ўти йўқотилган қарталар иккинчи марта сугорила бошладилар. Ҳўза нормал ўсмоқда.

Совхоз чўлварлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунисттик ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига гектар бошига 30 центнердан — пландангача 5 центнердан кўп пахта етиштириш мажбуриятини олдилар.

### Суръатни сусайтирмай

● Пахтакор районидagi Ульенов номи совхозда ўт ташкил маршрут ўзгарди. Ҳозир бу маршрут пахта майдонларидан бошланадиган бўлди. Ҳўза қатор орадан қирқиб олинган бегона ўт бир жойга янгиштирилди, майдонда ва сўнгги фермага жўнатилди. Йўл ёқларидаги, сугори шахобчаларда ва коллекторлар бўйидаги ўт-ўлан ҳам ишга яраб қолмади.

Ульенов номи совхоз — пахтачилик хўжалиги, лекин унда чорвачилик ҳам муваффақиятли ривожланадиган. Фермада минг бот қорамол боқилмоқда, бу ерда паррандахона ва чўччачилик фермаси ҳам бор. Эртан йилдаги сингари бу йил ҳам етиштирилган икки йиллик запасини вужудга келтиришга қарор қилинди. Беданинг биринчи ўрнида совхозда гектар бошига 40 центнердан ливан йиштирилди олинди. Яна беш марта ўрин мўлкалланмоқда. Беданоилар яхши парварин қилинмоқда — биринчи ўримдан келин беданоилар озиклантирилди ва сугорилди.

Жониворлар раённинг мактабхўри силоси, сепази, илдиэ мевалар ҳам киритилди. Совхозда қўшиб элини ва оралик экинлар оғиши кенг қўлланилмоқда.



Сурада: Кремлда меҳмонни кузатиш пайти. В. Мусавельн ва Э. Песов фотоси. (ТАСС — ЭТАП).











